

Фикҳ дарслари (44-дарс). Ислом фикҳида урушнинг таъсири



18:31 / 04.08.2019 4106

«Ат-ташрийъул жиноийю фил Ислам».

Бу китобнинг муаллифи Абдулқодир Авда. У бу китобда Ислом шариатининг жиноят бўйича ҳукмларини замонавий қонунлар билан солиштирган. Ҳар бир мавзу бўйича батафсил сўз юритган. Шариат ҳукмлари ҳақида сўз юритганида моликий, ҳанафий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳабларига мурожаат қилган. Ўзининг таъкидлашича, китобни фикҳий тилда эмас, қонунчилар тилида ёзган. «Ат-ташрийъул жиноийю фил Ислам» китоби фақиҳлар ва қонунчиларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Унинг еттинчи нашри ҳижрий 1406 – милодий 1986 йилда «Муассасатур-рисола» тарафидан Байрутда амалга оширилган.

«Осорул ҳарби фил фикҳил Исламий».

Суриянинг пойтахти Дамашқдаги дорилфунуннинг шариат куллиясида Ислом фикҳи ва Усулул фикҳ бўйича устоз Ваҳба Зухайлийнинг ушбу китобининг номини «Ислом фикҳида урушнинг таъсири» деб таржима қилиш мумкин. Муаллиф бу китобда ушбу мавзу юзасидан исломий мазҳаблар ва янги халқаро қонунлар орасида таққослаш ҳам олиб борган. Китобнинг биринчи нашри 1963 йили амалга оширилган ва кўпчилик томонидан жуда яхши қабул қилиб олинган. Турли шахс, муассаса ва халқаро ташкилотлардан муаллифга ташаккурномалар келган. Чунки

китобнинг мавзуси жуда муҳим бўлиб, олдин бу мавзуни батафсил баён қиладиган китоб бўлмаган.

Ушбу китобда муаллиф тинчлик, уруш, бетарафлик, урушнинг шахслар, мол-мулклар ҳамда иқтисодий ва сиёсий халқаро алоқаларга таъсири ҳақида сўз юритган. Шунингдек, ажнабийлар ва Ислом диёрларидаги ғайримусулмонлар ҳукми ҳамда урушни тугатиш йўллари баён қилган.

Доктор Ваҳба Мустафо Зухайлий «Осорул ҳарби фил фикҳил Исламий» китобида дунё бўйича яқинда амал қилиш бошланган тинч-тотув яшаш, диний эркинлик, ижтимоий тенглик, урушдаги ахлоқ, асирларга нисбатан адолатли бўлиш, шартномалар аҳамияти ва уларга амал қилишдаги вафодорлик каби ишларда Ислом шариати бошқалардан анча ўзиб кетганини исбот қилган. Шу билан бирга, муаллиф ғаразгўй шарқшунос ва ёзувчиларнинг бу борадаги тухматларига раддиялар берган.

Умуман олганда, «Осорул ҳарби фил фикҳил Исламий» китоби уруш муаммоси бўйича Ислом фикҳи маълумотларини янгилаш ва фикҳий ижтиҳодларни Қуръони Карим, Суннат ва саҳобалар амали асосида нозик таҳлил қилишдан иборатдир.

«Осорул ҳарби фил фикҳил Исламий» китобининг бош мавзулари қуйидагилардан иборат:

- Урушнинг таърифи ва унинг шаръий ва қонуний келиб чиқиши;
- Уруш чиқишига таъсир қилувчи омиллар;
- Дунёнинг икки ёки учга бўлиниши;
- Урушнинг мусулмонлар ва бошқалар ўртасидаги тинчлик алоқаларига таъсири;
- Урушнинг халқаро сиёсий алоқаларга таъсири;
- Асирлар, ярадорлар, беморлар ва ўлганларга муносабат;
- Урушнинг шахслар ва мол-мулкларга таъсири;
- Урушнинг тугашидан келиб чиқадиган таъсирлар;
- Урушнинг Ислом билан тугаши ва унинг таъсирлари;
- Урушнинг сулҳ билан тугаши ва унинг Исломдаги ҳукми;

- Урушнинг фатҳ билан тугаши ва унинг таъсирлари;
- Урушнинг жангни тарк қилиш ила тугаши;
- Маҳкамага мурожаат ва урушнинг у билан тугаши;
- Урушнинг Ислондаги қонуни.

«Осорул ҳарби фил фиқҳил Исламий» китобининг тўртинчи нашри «Фикр» нашриёти томонидан 1992 йили Дамашқда амалга оширилган.

«Фикҳий йўналишлар ва китоблар» китобидан